



2020 йил 30 январь

№ РС-01-20

Тошкент шаҳри

**Судлов ҳайъатлари томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида
назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори
хақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси” ҳамда “Куч–адолатда” газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), “Одил судлов” – “Правосудие” журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Матбуот хизмати (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, “Одил судлов” – “Правосудие” журнали ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарлари – судлов ҳайъатларининг раислари И.Муслимов, Х.Ёдгоров ва Б.Исаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси


К.Камилов